Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1998 йил 11 июль шанба

Сотувда эркин нархда № 139 (1920)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## Вилоятларда: ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

### САМАРҚАНД

Вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда ўтган ярим йилликдаги иш якунлари ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни янада жадаллаштириш масалалари муҳокама этилди. Йиғилишни вилоят ҳокими А. Мардиев бошқарди.

Сўзга чиққанлар вилоятда ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришда салмоқли ўзгаришлар юз берганини қайд этдилар. Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларида режа уддаланди. Тўл олиш, пилла, ғалла топшириш бўйича давлат буюртмалари бажарилди.

Шу билан бирга, талайгина корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўз харидорини тополмаяпти. Хорижий сармояларни жалб қилиш, қўшма корхоналар ташкил этишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Дебиторлик-кредиторлик қарзларини камайтириш, тўлов имтиёзига риоя этиш, контрактация шартномаларининг бажарилишини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоғи лозим.

### ЖИЗЗАХ

Бу ерда ана шу масалага бағишланган йиғилишда ўтган даврда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш режаси 132,5 фоиз бажарилгани қайд этилди. Қишлоқ хўжалигида муайян силжишга эришилди. Пиллакорлар ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирдилар. Аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бирмунча яхшиланди.

Бироқ қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ишлар талаб даражасида эмас. Жумладан, Бахмал, Фориш, Зомин, Ғаллаорол ва Жиззах туманларида аҳолини тоза ичимлик суви ва газ билан таъминлашни кўнгилдагидек деб бўлмайди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев сўзга чиқди.

### ТОШКЕНТ

Вилоят фаолларининг жорий йил биринчи ярми якунлари ва ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масалаларига бағишланган йиғилиши бўлди. Уни вилоят ҳокими Э. Рўзиев бошқарди.

Йиғилишда иқтисодиётнинг барча жабҳаларини ривожлантиришда муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Жумладан, саноат маҳсулоти, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўпайди. Айни вақтда бозор инфратузилмаларини ташкил этиш, кўчмас мулк объектлари ва ер майдонларини кимошди савдосига қўйиш, шунингдек, маҳаллий солиқ ва йиғимларни бюджетга тушириш ишларига жиддий эътибор берилмади. Баъзи шаҳар ва туманларда аҳолига пулли хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилмаган. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишда ва ислоҳотларни чуқурлаштиришда ҳали талайгина фойдаланилмаётган имкониятлар мавжуд.

Республика Бош вазирининг ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б.Ҳамидов йиғилишда сўзга чиқди.

(ЎзА)

## Истиқлол берган неъмат



Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонни улуғ қурилишлар мамлакати деса бўлади.

Жумладан, шу кунларда Тошкент шаҳридаги консерватория, 3 та ўқув ва театр биноси қурилишида ишлар жадал олиб боримяпти. Мухбиримиз В. Портновнинг хабарлашича, бу ерда қурилиш ишларини «Туронмарказқурилиш» акционерлик жамияти бунёдкорлари олиб боришяпти.



**Суратларда: қурилишнинг умумий кўриниши; пайвандловчи Фарҳод Ешекеев; ғишт терувчи Шаҳриддин Чинов, Саид Насриддинов бригадаси аъзолари.**



## СОАТ МИЛЛАРИ АЙЛАНАДИ — ЖУМА ХАБАРЛАРИ

● СЕМИНАР

### ФАРҒОНАДА ХАЛҚАРО СЕМИНАР

*Яқинда «Конрад Аденауэр» жамғармаси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамкорликда ўтказган семинар-ўқуви «Демократик ва ҳуқуқий давлат» масалаларига бағишланди. Ҳуқуқшунослар, маъмурий органларнинг ходимлари, солиқ идоралари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган семинар ўзаро мулоқотлар, фикр алмашиш машваратига айланиб кетди, — дея хабар беради мухбиримиз Набижон Собир.*

*— Мунозарали семинарда «Конрад Аденауэр» жамғармасининг ҳудудий вакили Вольфанг Шрайберг Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов, Ўзбекистон Республикаси журналистларни қайта тайёрлаш халқаро марказининг ижрочи директори Гулнора Бобожонова, Ўзбекистон Республикаси Конституцион судининг раиси Баҳодир Эшонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидованинг ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда тўпланган тажриба ва муаммолар, қонунлар тарғиботи, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мавзуларидаги маърузаларини катта қизиқиш билан тингладилар.*

● ТАШАББУС

### ЮРТ БОЙЛИГИ

*Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси йил бошидан 17 та машинани аҳолига кўчма тиббий хизмат кўрсатишга жиҳозлаганди. Мақсад — узоқ қишлоқлардаги хонадонларга кириб, шифога эҳтиёжманд одамларни кўрикдан ўтказиш эди. Қишлоқларда оналар ва болаларни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида ҳамон муаммолар мавжуд, — дейди бошқарма бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори Қувондиқ Мадартов. — Бу муаммоларни ечишда тарғибот ишлари самара беради. Ҳар бир инсонни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялаш биз, шифокорларнинг жамият олдидаги бурчимиздир. Чунки халқимиз соғ-саломат бўлса, давлатимиз ҳам фаровон бўлади.*

**О. УСАНОВ.**

● БОЖХОНА

### ЙЎЛИ ТЎСИЛДИ

*Жиззах вилояти 4-сон ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Жиззах темир йўл ички ишлар бўлими ходимлари ҳамкорликда ўтказган тадбир натижасида «Волгоград — Тошкент» йўналишидаги поезд йўловчиси, Ўзбекистон Республикаси фуқароси Рамзия Жабборованинг қўл юклари ичидан Россияда ишлаб чиқарилган сариқ рангли тунукадан ишланган 20 минг дона ароқ қопқоқлари топилди, — деб хабар беради республика Давлат божхона қўмитасининг инспектори Б. Ҳайдаров. — Шунингдек, уч баҳодир тасвири туширилган «Русская водка» ароғи этикеткасидан 10 минг дона, «Столичная» ёрлиғидан 4 минг дона ноқонуний равишда олиб келишга уринганлиги фош этилди. Ушбу ёрлиқлар қайсидир ертўлаларда тайёрланадиган қўлбола ичимликларни безатиши керак эди. Энди эса кимнингдир тегирмонига сув қуймоқчи бўлган 48 ёшли бу хоним қонун олдида жавоб беради.*

•Телефонларимиз:
133-15-22, 133-52-55
133-07-48, 136-37-85

**Соат милларини Абдураҳмон ЖЎРА кузатди.**

## ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ




Тўрақўрғон тумани деҳқонлари Наманган вилоятида биринчи бўлиб ғалла топшириш буюртма режасини бажардилар.

4,5 минг гектар ғаллазордан 13700 тонна сара дон йиғиштириб олинди. Бу ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди демакдир. Юксак хирмонга «Наврўз», «Шарқ юлдузи», «Ўзбекистон», «Ибрат» жамоа хўжалиги ғаллакорлари муносиб улуш қўшдилар. Туманда ғалла ўрим-йиғими давом этмоқда. Ғаллакорлар яна давлатга 1000 тонна қирмизи дон топширмоқчилар.

**А. МАДАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## АКАДЕМИЯ БИТИРУВЧИЛАРИГА ДИПЛОМЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида Давлат ва жамият қурилиши ҳамда Бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари факультетларининг 1997-98 йилги битирувчи - тингловчиларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Академия ректори, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев диплом ҳимоясини муваффақиятли якунлаган битирувчи-тингловчиларнинг барчасига магистр дипломини топширар экан, республикамиз иқтисодий ва маънавий салоҳиятини юксалтиришда бугунги тингловчи — эртанги юксак малакали мутахассисларнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлади.

Сўнг Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Коичи Обата жаноблари Академияда Инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича Япония машғулотларини муваффақиятли якунлаган бир гуруҳ тингловчиларга Япония Халқаро Агентлиги сертификатини топширди.

Илм даргоҳида ўтказилган диплом топшириш маросими Академия тингловчилари ассоциацияси ташкил топган кун билан ҳамоҳанг нишонланди.

Академия тингловчилари, профессор ва ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган ассоциация низоми бир овоздан қабул қилинди. Шунингдек, ассоциациянинг таркиби белгиланди.

**Муяссар УМИРОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси катта муҳаррири.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

### С. С. Ғуломовни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Саидаҳрор Саидаҳмедович Ғуломов Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 10 июль

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

### О. У. Салимовни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири вазифасидан озод этиш тўғрисида

Оқил Умурзоқович Салимов пенсияга чиқиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири вазифасидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 10 июль

## ЁШ ОЛИМЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Т. Жўраевнинг академия ёш олимлари билан суҳбати юртбошимизнинг "Тафаккур" журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблари ва яқинда ижтимоий соҳа олимлари билан учрашган вақтда билдирган ёшларга ғамхўрлик қилиш, уларга етарли шароитлар яратиб бериш ҳақидаги фикрларига бағишланди.

Академия президенти Т.Жўраев ёш олимларни Республикамиз раҳбари Ислом Каримов нутқларида, мақолаларида, интервьюларида илгари сурилаётган фикрларни синчиклаб ўрганишга даъват этди. Ёш олимлар ижтимоий-гуманитар соҳа мутахассислари бўладими ёки аниқ, тиббий фанлар вакиллари бўладими, бу асарлардан ўз дунёқарашларини шакллантиришда, мустақил Ўзбекистоннинг фидойи фарзандлари бўлиб камол топишида жуда кўп нарсаларни ўргана оладилар, деб таъкидлади Т. Жўраев.

Қизғин савол-жавоб руҳида ўтган учрашувда Ўзбекистон Фанлар академиясининг 55 та илмий-тадқиқот институтларида фаолият кўрсатаётган ёш олимлар жамоасининг вакиллари иштирок этди.

(ЎзА)

ҚОНУН ИЖРОСИ ҚАНДАЙ?

## АМАЛИЙ ЧОРА АФЗАЛ

***Шаҳарларнинг кўркам ва ораста бўлиб чирой очишини улкан ва салобатли, хушчирой қурилишларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Цивилизация — обод масканлар, юқори даражага эришиш иштиёқида меҳнат қилаётган, кунора янгиликлар содир этаётган кишиларнинг турмуш тарзига менгзалади. Очиғини айтиш керак, кичик бир иморат тиклаб, бошпана қуришнинг ўзи бўлмайди. Халқини ўйлаган, чўнтаги бақувват, тежамкор мамлакат эса доимо бинолар барпо этади, йўллар солади, улкан қурилишлар майдонига айланади. Ҳаёт пайдо бўлибдики, одамзот қуради, бунёд этади, нимадир қолдиради. Санъат ва меҳнат намунаси бўлмиш асл иморатлар эса узоқ даврларни ортда қолдириб «мана ман» деб, бўй кўрсатиб, фусуну афсунларга йўғрилиб мангулик тимсолидай қад ростлаб тураверади. Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шош янглиғ мозийдан сўзлаб, келажакка чорлаб яшайди.***

Демакки, қурилиш ҳам халқнинг маънавий камолоти, дунёқараши сарҳади, санъати, керак бўлса, келажаги буюклигининг кафолатидир.

Тўғри, ҳар бир ишнинг ўз даврига мутаносиблиги муқаррарлиги каби қурилишларда ҳам авлодларнинг хоҳиш-иродаси, интилишлари замонга мос равишда амалга оширилади. Бунинг учун шаҳарларимиз қиёфаси, аввало, миллий, табиий-иқлимий хусусиятларини сақлаб қолиши керак. Шунинг учун бу масала ҳукумат томонидан назоратга олиниб, унга жиддий эътибор қаратилади.

Аввал хабар қилинганидек, яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалиги қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Наманган вилоятидаги ижроси юзасидан мазкур масала бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг фикри эшитилди. Хўш, бу борада бугун вилоятда аҳвол қандай? Вилоят архитектура ва шаҳарсозлик бошқармаси ҳамда унинг бўлинмалари фаолиятида ушбу Қонун ҳужжатларига қай даражада амал қилинмоқда? Вилоятда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари давримиз талабига мосми? Бу ерда ҳозирги кунда ушбу соҳа юзасидан қандай ютуқ ва муаммолар мавжуд? Мухбиримиз юқоридаги саволлар билан Олий Мажлис Қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалиги қўмитасининг котиби Талъат Субхонқулович УСМОНОВга мурожаат қилди.

— Гуркираб тараққий топаётган шаҳарлар ҳар бир мамлакатнинг чеҳраси, мафтункор қиёфасидир, — деб сўз бошлайди Т. Усмонов, — Ўзбекистонимизда жадаллик билан олиб борилаётган улкан қурилишлар сони ва салмоғи, айтиш жоизки, бугун бутун дунёни ҳайратга солаётир. Бу борада қанча фахрланиб сўзласак-да, оз. Истиқлолга эришганимизга бор-йўғи 7 йил бўлмоқда. Бу жудаям қисқа муддат. Лекин диёримизда содир бўлган ўзгаришлар мўъжизага баробар. Ўлкамиздаги ҳар бир вилоятнинг қиёфаси, кўриниши ўзига хос тарзда чирой очмоқда. Ҳар жойнинг бошқа ерга ўхшамайдиган бўлакча томонлари қурилиш объектларида, салобатли иморатларда, кўчалару гузарларда ифодасини топаяпти. Ҳукуматимиз томонидан ободонлаштириш, қурилиш ишларини амалга ошириш учун барча имкониятлар яратилган. Шахсан юртбошимизнинг ўзлари бу ишларга бош-қош. Шундай экан, мазкур соҳага тааллуқли ватандошларимиздан фақат меҳнат, виждон амри билан масалага ёндашиш талаб қилинади. Сиз берган саволларга тўхталсак, мазкур Қонуннинг Наманган вилояти бўйича ижросини аниқ факт ва далиллар асосида шундай ифодалаш мумкин: Наманган шаҳри бош режасини рўёбга чиқариш, кўчаларни ободонлаштириш, бинолар ва иншоотларни таъмирлаш, янгиларини қуриш борасида талай ишлар олиб борилаяпти.

1998 йил бошидан бери 6077482 минг сўмлик маблағ ўзлаштирилди. 2648476 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 139138 кв.м уй-жой, 724 ўринли мактаб, 797 ўринли умумий овқатланиш объектлари, 2967квадрат метр савдо майдони, 33 та ижтимоий-маданий ва маиший бинолар фойдаланишга топширилди. 135 километр умумий узунликдаги муҳандислик коммуникациялари ётқизилди.

Тарихий Ипак йўлида «Жаҳон бозори» деб аталган бозор, Наманган шаҳрида «Паҳлавон» спорт мажмуи, Чуст шаҳрида савдо маркази, туғуруқхона, Норин туманида поликлиника, маданий-маиший марказ, шунингдек, Халқ банкининг туман бўлимлари бинолари, 18 та қишлоқ тиббий пункти, мактаблар ва бошқа объектлар қурилиши олиб борилди. «Поп-фен», «Косон-Текмен», «Нам-бум» ўзбек-турк қўшма корхоналари фойдаланишга топширилиш арафасида. Вилоят архитектура ва шаҳарсозлик бошқармаси жорий йил бошидан бери 37 та архитектура режалаш топшириқларини берди, улар учун 23 га. ер ажратилди. 14 та шаҳар ва аҳоли пунктининг сарҳадларини белгилаш бўйича лойиҳалаш ишлари учун 3 миллион сўмлик шартнома тузилди. Булар яхши, албатта. Тайинли мақсад, тежамли хулосага эга наманганлик мутасадди раҳбарлар, қолаверса, вилоят аҳлининг яратиш шавқида меҳнат қилишаётгани ҳамда бу ерда янги асрга янада кўркам ва бекиёс кўриниш билан юзма-юз келиш учун эзгу ишлар амалга оширилаётганига ишора бу. Бироқ, ҳаёт бир текис давом этмагани, ҳар қандай иш осонликча бажарилмагани сингари шу ажойиб саъй-ҳаракатларга соя ташлаб турган айрим ҳолатлар ҳам кўзга ташланадики, буларни айтиб ўтмасдан иложимиз йўқ.

Аниқроқ гапирсам, вилоятда «Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида»ги Қонунни ижро этишда айрим камчиликлар аниқланди. Бу ерда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга етарлича эътибор берилмаяпти. Уларнинг ҳаммаси ҳам давлат экспертизасидан ўтказилаётгани йўқ. Кўпинча лойиҳа институтлари ва гуруҳлари бутланмаган лойиҳаларни экспертизага тақдим этаяпти. Баъзи объектлар тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари ва меъёрий талабларга жавоб бермаган ҳолда қурилмоқда.

Вилоят давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси томонидан ўтган даврда 594 объект текширилди. Шулардан 423 таси қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мос келмайдиган талабномага асосланган. 780 минг сўмлик молиявий жазо ҳамда 2 миллион 228 минг сўмлик жарима чораси қўлланилди. 23 та объектни қуриш (вақтинча), вилоят қурилиш индустриясининг 11 та корхонаси фаолияти ҳам тўхтатиб қўйилган.

Кичик бизнес объектлари, дўконлар, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари қуришда ҳам бош режалар бузилмоқда, яъни лойиҳа-смета ҳужжатлари ва архитектура-режалаш топшириқларисиз, ўзбошимчалик билан иш юритилмоқда. Танлов асосида лойиҳаларни саралаб олиш амалиётига ҳамиша ҳам амал қилинмаяпти. Лойиҳалар муҳокамасида фуқаролар иштироки кўринмаяпти, десак бўлади. Бу ўринда эса маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти сезилмаяпти, ҳисоб.

Ўзингиз гувоҳ бўлдингиз, йиғилишда асосан барча ижобий ишлар қаторида, ҳал қилиниши, чора кўрилиши зарур масалаларга ойдинлик киритилди. Мутасадди ташкилотларнинг иш фаолияти етарлича таҳлил қилинди. Вилоят миқёсида қурилиш соҳасида рўёбга чиқиши зарур бўлган ишлар кўлами юзасида хулоса чиқарилди. Яхши ва ёмон томонларига очиқча муносабат билдирилди. Меҳнатимиз самараси ўзимизники. Ютуқлар ҳам. Бироқ тараққиётимиз йўлига соя ташлаган муаммолар ечими ва уларга нисбатан амалий чора-тадбир кўриш ҳам ўзимизга тегишли. Хулоса қилган яхши, чора кўриб, муаммоларни бартараф этиш янада афзалроқдир.

**Қўчқор НОРҚОБИЛ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

